Халкимиз илм ва маорифнинг хакикий кимматини ўлчай олмаса-да, мактабдан асл максад нима эканлигини дуруст тушунмаса-да, «мактаб деган ўкув юрти бор, унда болалар бориб ўкуйдилар» деб билалар, ихтиёрли, ихтиёрсизми болаларини мактабга юборалар.

Аммо «Болалар богчаси» деган сўзни эшитмаган одамлар кўбдир. Шунинг учун бу тўгрида бир оз маълумот бермак, бу кунларда очилган «Болалар богчаси»га ахолининг диккатини жалб килмок муносиб кўрулади:

«Болалар богчаси» шундок бир бинодирки, анда ўкув ёшига етмаган 4-6 яшар болаларни йигиб асрайдирлар. «Болалар богчаси» шахарнинг энг яхши ва хушхаво еринда, богчалик бир бинода бўладир.

Болалар богчасинда болаларнинг сонларига караб уч-тўрт нафар бола тарбиясини яхши биладирган тарбиячилар кўйулалар. Болалар кунда соат саккиздан икки ёхуд тўртгача у ерда асраланалар.

Тарбиячилар болаларни хар кисми оддий ўйунлар билан ўйнаталар, когоз, лой ва чўбдан хар нарсанинг суратини ва намунасини ясаталар. Калин когоздан кесилган ёхуд чўбдан ясалгон харфларни болаларнинг кўлларига бериб, ўйун йўли билан харфларни танииталар. Болаларнинг ўз аъзолари ва кўзларига кўруниб турюн нарсаларнинг отлари ва сифатлариндан киска-киска сўзлар ясаб, болалардан айтиралар. Шул восита билан болаларни тўгри ва уста сўйламакка ўргаталар. Болаларни бирга ўйнатиб, бирга ўтуртуб, бирга тургузуб жамоат билан ишламак, жамоат бўлиб тирикчилик килмокга одат килдиралар. Болаларнинг тез-тез оч колишларини эътиборга олиб, болалар табиатига мувофик енгил-енгил емаклар егузалар. Болаларни покизаликга одат килдиралар. Ўйун вактинда, тамак вактинда кийимларини, кўлларини булготдирмайдирлар. Болаларга киска-киска шеърлар ўргатиб, мусикий хавоси билан ўкутуб, рухларини тарбия килалар. Болаларнинг эсонликларини сакламок, гавдаларини ўсдурмак учун табиблар сўзлари бўйинча хар кисм харакат килдиралар. Хулоса, бир тарбияли онадан ортукрок болага карашалар ва асрайдирлар.

Маданий миллатлар ичинда «Болалар богчаси» кўб замонлардан бери бор. Ва болалар мактабдан бурун у ердан тарбия олалар. Шўролар хукумати соясинда болалар богчаси

Туркистонда хам кўпаймокladир. Эски Тошкандда мусулмонларнинг бир неча болалар богчалари бўлди.

Самаркандда ўтган йил руслар учун собик губирнатур богинда, яхудийлар учун кизлар гимназияси ёниндаги бинода «Болалар богчаси» очилиб, миллиюнлар сарф килинмокдадир.

Баъзи маориф шўъбаларинда котишиб юрган маорифпарвар ўртокларнинг кўшишлари билан ўтган бахор эски шахарда Хайробод китьасинда Кулибойбачча ховлисинда мусулмонлар учун хам болалар богчаси очилиб эди. Лекин болалар богчаси нима эканлигини халк англамади, болаларини юбормадилар. Бир талай харажатлар бўшга кетди, тарбиячилик учун Тошканддан келтурулган, болалар богчаси курсига ўкугон татар хамшираларимиз бола йўклигидан зерикиб яна кайтиб Тошкандга кетдилар. Лекин эски шахар маориф шўъбаси болалар богчасининг кераклигини, бола тарбияси учун лозумини кўзга олиб мазкур Кулибойбачча уйинда яна «болалар богчаси» очди. Эмди халкимиз мундок тарбия уйиндан истифода килмок учун 4-6 яшар болаларини бу ерда юборсалар эди.

Эскидан бери халкимиз болаларни тўрт-беш яшарлигидан мактабга элталар, домлога айтадургон сўзлари: «Таксир, ўкумасада, алдаб-сулдаб мактабда сакланг, уйда шўхлик килиб, онасини безор киладир. Иш кучидан колдирадир, кўчаларда, нокулай ерларда ўйнайдир. Бирон ўсал бўлмасин деб кўркаман. Мактабда турса, ман бозорда, онаси уйда хотиржам бўламиз...» Ана шу холлар кўрсатадирки, ёш болаларни асрамак ва ёмон ўйунлардан, нокулай ишлардан сакламок учун бир ер керак экан. Бошка муносиб бир ер йўклигиндан оталар болаларини ёш чогиндан хотиржам бўлайлук деб мактабга элталар. Лекин ёш болалар-ни мактабга юбормак ва ўкуйдиргон болалар каторинда ўткузмок боланинг эсонлигига кўб зарарликдир. Бола ёш чогинда кўнгли хохламайдиргон бирон ишга мажбур килинса, бадани орук бўладир. Димог ва миясига халал келадир, кони бузиладир, аъзоси ўсишдан коладир ва бошка касалларга учрайдир.

Кўчада, уйда ўз холича кўйулса, ёмон ўйунлар ўйнайдир, кўча болалари билан ёкалашиб, урушиб ахлоки бузиладир, ёшликдан айгокликни, олифталикни ўрганадир. Кўчада от ва ароба остинда колиб, ёки том ва ёгоч устиндан йикилиб, бирон ўсал бўлмоги хам мумкиндир. Ўсал бўлмаса-да, ўз бошига ўйнаб юрган болани «Нима бўлди?», деб ота-онанинг юраги титрайдир. Мана, «Болалар богчаси» шу холларнинг борисига чорадир.

«Болалар богчаси»нинг биринчи фойдаси болаларни мазкур холлардан, ота-онани бехуда ташвишлардан куткармокдир. Иккинчи фойдаси болаларни яхши тарбия килиб, лозим ишларга ўйун йўли билан ўргатиб, мактабдан бурун мактабга хозир килмокдир.

Бу хулосаларни халкимиз дуруст англаб, мингларча халк акчаси сарф бўлаётган бу ишлардан истифода килсалар эди. Англагон кишиларга лозимдирки, англамагонларга тушунтирсунлар. Муни яхши билдирсунларки, маориф шўроси, халк хукумати бу ишларни ўйун учун ёхуд ўзи учун килмайдир. Балки халк акчасиндан бир кисмини халк манфаатига сарф килмокчи бўладир. Бизга лозимдирки, гўшт дўконинда навбат кўзлаб тургандек, мактаб ва богчалардан хам биримиздан биримиз бурунрок навбат олмок ва истифода килмок учун югурсак.

Сўз охиринда шуни эсга тушуруб ўтамизки, яхудий ватандошларимиз ахмок кишилар эмаслар. Балки буларнинг зийракликларига барчамиз койилмиз. Булар хунар мактаби очдилар, эскидан савдогар бўлдиклари холда ўн кўл билан янги хунар, янги ишларга ёпишдилар. Болалар богчаси очиб болалар билан тўлдирдилар, хосили канча мумкин бўлса, шунча фойда олаётибдирлар.

Холо биз болаларимизни охири солдат киладир деб кўркмокда, хаёлот билан овора бўлиб, истифода йўлларидан махрум колмокдамиз.

*«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1919 йил, 3 ноябрь*